



28.08.2019

Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!



Бу дунёда ҳамма нарсанинг, жонли-жонсизнинг Ватани бор. Тоғу тош, саҳро, сув, ўрмон, паррандаю даррандалар... ҳайвонлар бари барининг... Фақат шамолнинг ватани йўқ. Нега? Чунки, шамолнинг оёғи йўқ, унинг оёғи ерга тегмайди. У муаллақ ҳамиша. Қушларми, қушларнинг ҳаёти эса ҳам заминга, ҳам самога тегишли, улар еру кўкни ватан тутишади.

Шимол ўлкаларидан олиб келиб қадалган ниҳол жанубда баравж ўсиши оғир кечади. Буни оддийгина қилиб, иқлимга тўғри келмади, деймиз. Бўлса бордир, лекин биз уни томири мос тушган ватанидан мосуво этдик-ку...Дарахтларнинг ҳам ватани бўлади, ҳамма нарса ватан танлайди, ватандан узилишни истамайди деган фикр хаёлимизга келмайди, очиғи, бундай ўйлаш бемаънилик бўлиб туюлади. Аслида ундай эмас, бу саҳавотли замин ҳар нарсага, жонли-жонсизга ватан қилиб бўлиб берилган. Инсонга ҳам.

Кимнингдир Ватани чўлда, саҳрода, кимникидир тоғда, кимларникидир уммонлару тоғлар билан юзма-юз. Ҳар бир инсон ўзи кўз очиб кўрган маскан, томири куч олган тупроққа жон-жони билан боғланган бўлади. Ватан деган тушунча ана шу томир орқали инсоннинг жон-жонига сингийди.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз; мурдалар ҳам Ватан танлайди. Жангда ўққа учган аскарнинг ўз қуролдоши қўлларини жон ҳолатда қисиб, "...мен ҳозир ўламан, лекин танамни бу ерларга ташлаб кетманглар, Ватанимга олиб боринглар...", деб зорланишини нима деб изоҳламоқ мумкин? Шундай. Ватан туйғуси ҳеч қандай изоҳга сиғмайди. Ватанни сўз билан эмас, жавдирабгина турган кўз билан, тиниқ табассум ва шукроналик нури ёйилган ёниқ юз билан ҳам севиш мумкин. Юрак билан севиш мумкин. Юрак титроққа тушганда тилга сўз келармиди, юрак гапирмаслиги мумкин. Ҳа, гапирмасдан ҳам дунёдаги барча улуғ ва юксак сўзларни изҳор қила олади юрак. Буни биз, одамлар, бизнинг дўсти-душманларимиз эшитмаслиги мумкин. Нима қипти, Ватан эшитса бўлди-да. Ватан эштади; чин гапингни эштади, бақириб

айтмасанг ҳам, дунёга жар солмасанг ҳам эшитади Ватан. Юрагингдаги асл гапни тилга чиқармасанг ҳам эшитаверади Ватан.

Болакайдан сўрашибди: “Сенинг онанг қанақа аёл?” Кичкинтой жавоб беради: “Менинг онамми, менинг онам дунёдаги энг чиройли Она!” Ватан ҳам шундай. Сиз баралла айтасизми, пичирлаб гапирасизми, фарқи йўқ, айтиб кўринг-да: “Менинг Ватаним дунёдаги энг гўзал Ватан!” Қандай? Ботинингизда, томир-томирларингизда Ватанинг миннатдорона олқиши, - онангизнинг меҳри каби илиқлик туйғусини туясиз. Демак, Ватан ҳам Сизни яхши кўради. Бор гап шу.

Мустақиллик абадий бўлсин, Ватаним!

Бош муҳаррир

104 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

Сўнгги янгиликлар:

- [Одам савдоси жабрдийдасига айланманг! \(2019 йил, 37 сон\)](#) [3]
- [Атом энергияси тўғрисидаги Қонун: 10 та афсона ва ҳақиқат](#) [4]
- [“Биз коррупцияга қаршимиз” мегатанлови. Кураш қалб ва онгда шаклланиши керак \(2019 йил, 37 сон\)](#) [5]
- [Пармонович пенсияга чиқмоқчи “Пармонов” эса халал бермоқда \(2019 йил, 36 сон\)](#) [6]
- [Судьялар олий мактаби. Мамлакатимиз суд тизимида яна бир тарихий воқеа \(2019 йил, 36 сон\)](#) [7]
- [Уй ҳайвонларига паспорт нимага керак? \(2019 йил, 36 сон\)](#) [8]
- [Коррупция — тараққиётга таҳдид \(2019 йил, 36 сон\)](#) [9]
- [Обуна — 2020 адлия идоралари биз билан! \(2019 йил, 36 сон\)](#) [10]
- [Адлиядан янги ташаббус: энди ҳуқуқий мададга муҳтож бўлмайсиз. Чунки... \(2019 йил, 36 сон\)](#) [11]
- [Дунёга машҳур ёзувчилар аслида ким бўлган? \(2019 йил, 34-35 сон\)](#) [12]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=runklar/5003>

Ссылки

[1] <http://insonvaqonun.uz/print/5003>

[2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/5003>

[3] <http://insonvaqonun.uz/node/5032>

[4] <http://insonvaqonun.uz/node/5030>

[5] <http://insonvaqonun.uz/node/5029>

[6] <http://insonvaqonun.uz/node/5026>

[7] <http://insonvaqonun.uz/node/5024>

[8] <http://insonvaqonun.uz/node/5023>

[9] <http://insonvaqonun.uz/node/5021>

[10] <http://insonvaqonun.uz/node/5020>

[11] <http://insonvaqonun.uz/node/5019>

[12] <http://insonvaqonun.uz/node/5015>